Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 4-aprel, shanba, № 43 (3548)

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон раҳбари номига **Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин**дан келган қутловда Хитой ҳукумати ва халқи номидан самимий табрик ва эзгу истаклар билдирилган.

Қутловда Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт ва халқ фаровонлиги юксалиб, халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузи мутасил ошиб бораётгани таъкидланган. Ўзбекистон давлат қурилишининг барча соҳаларида бундан буён ҳам янги ва янада улкан муваффақиятларга эришишига ишонч билдирилган.

ХХР раҳбари Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлиги ўзаро ишонч, дўстлик ва самимий муносабатларга асосланганини таъкидлаган. Дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён ўтган 23 йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда изчил ривожланиш суръатлари сақланиб келмоқда, сиёсий соҳадаги ўзаро ишонч ҳар томонлама мустаҳкамланиб, манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари ривожланмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиш суръатини юксак баҳолаб, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида янги босқичга кўтариш учун биргаликда ҳаракат қилишга тайёр эканини билдирган.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ислом Каримовни сайловда ишончли ғалаба қозонгани билан самимий қутлаган.

Қутловда сайлов якунлари Ислом Каримов мамлакатда юксак обрў-эътиборга эга эканини тўлиқ тасдиқлаши қайд этилган. Бу, шубҳасиз, Ислом Каримовнинг давлат раҳбари сифатидаги хизматларининг, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб вазифаларини ҳал этишда эришаётган ютуқларининг кенг эътирофидан далолатдир.

Россия Президенти Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги иттифоқчилик ва стратегик шериклик мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб, ўзаро муносабатларни, минтақавий ва халқаро соҳада амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича дўстона мулоқот ҳамда биргаликдаги ҳаракатларни давом эттиришга тайёр эканини билдирган.

Шунингдек,

Корея Республикаси Президенти — **Пак Кин Хэ**

Италия Республикаси Президенти — **Сержо Маттарелла**

Туркия Республикаси Президенти — **Ражаб Таййиб Эрдўған**

Латвия Республикаси Президенти — **Андрис Берзиньш**

Қозоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбоев**

Туркманистон Президенти — **Гурбангули Бердимуҳамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти — **Имомали Раҳмон**

Озарбайжон Республикаси Президенти — **Илҳом Алиев**

Беларусь Республикаси Президенти — **Александр Лукашенко**

Грузия Бош вазири — **Ираклий Гарибашвили**

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти — **Абдул Ҳамид**

Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири — **Шайх Ҳасина Вазед**

Корея Республикасининг собиқ Президенти — **Ли Мён Бак**

МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби — **Сергей Лебедев**

Европа Парламенти вице-президенти — **Ричард Чарнецки**

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори — **Чжан Синьфэн**

Япония парламенти Маслаҳатчилар палатаси депутати — **Кёко Накаяма**

«ЛУКОЙЛ» нефть компанияси президенти — **Вагит Алекперов**

«Транснефть» АК ОАЖ вице-президенти — **Владимир Рушайло**

М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори, академик — **Виктор Садовничий**

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори, профессор — **Виктор Гришин**

Давлатлараро авиация қўмитаси раиси — **Татьяна Анодина**

ИТАР-ТАСС Бош директори — **Сергей Михайлов**

АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти — **Борис Қандов**

«INITEC Energia S.A.» компанияси бош директори — **Франсиско Хавьер Гомес Гарсиа**

ҳам табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

VIII ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР, ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЛОЙИҲАЛАР ЯРМАРКАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, вилоят ҳокимлиги, вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари, тижорат банклари вакиллари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди. Унда Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари олимлари ўзларининг илғор инновацион ғоялари, технология ва лойиҳалари, илмий ишланмалари билан қатнашди.

ИННОВАЦИОН ҒОЯ, ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ

Андижонда VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркаси бўлиб ўтди.

ЎзА суратчи

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси ва рақобатбардошлигини ошириш, инновацион маҳсулотни ички ва ташқи бозорга чиқариш, илғор инновацион лойиҳа ва ишланмаларни ҳаётга жорий этишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳудудий тақдимотда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа идораларнинг институт, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик муассасаларининг 250 дан зиёд инновацион технология, ишланма ва ғоялари намойиш этилди. Улар орасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, ҳосилдор ва эртапишар янги экин навлари, ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш воситалари, чорвачилик ва боғдорчиликда ҳосилдорликни оширишга хизмат қиладиган, шунингдек, машинасозлик, муқобил энергия ишлаб чиқарувчи ва энергияни иқтисод қилувчи ғоя, ишланма ва технологиялар салмоқли ўрин эгаллади.

Тижорат банклари томонидан мазкур йўналишда кредитлар олиш тартиб-қоидаларига бағишланган кўргазма ташкил этилди. Мутахассислар ёшларга инновацион ғоя ва лойиҳалар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш бўйича ажратиладиган кредитлар хусусида сўзлаб берди.

ЎзА материали асосида тайёрланди.

■ Янгиликлар
■ Воқеалар
■ Хабарлар

СУРХОНДАРЁ

ТОШ-ШАҒАЛ ЗАВОДИ

Шўрчилик тадбиркор А.Ҳужжатов бошлиқ "Зуҳриддин-Захриддин" МЧЖ мутахассислари давлат инвестиция дастурига асосан тош-шағал ишлаб чиқариш ва қум тозалаш заводини қуриб ишга туширди.

Уй қуриш ташвишида юрганлар ёки қурилиш ташкилотлари шу пайтгача тош-шағал ва қумни Сариосиё ва Қумқўрғондан келтиришарди. Ушбу завод бу муаммони ҳал этди.

— МЧЖда йигирма нафар ишчи шағал ва сифатли қум ишлаб чиқариб, талабгорларга етказиб бермоқда, — дейди А.Ҳужжатов. — Келгусида тайёр бетон ишлаб чиқариш ва бетон ғишт тайёрлашни йўлга қўйиш чораларини излаяпмиз.

Рустам ДАВЛАТОВ,
"Ishonch" мухбири

САМАРҚАНД

ЎҚУВ МАРКАЗИ

Самарқанд шаҳрида Жанубий Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOIKA) билан ҳамкорликда касб-ҳунарга ўқитиш маркази қурилишига киришилди.

Янги ўқув марказида ҳудуддаги замонавий технологиялар билан жиҳозланган йирик ишлаб чиқариш корхоналари учун етук мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган. Бу ерда тўрт йўналишда — машинасозлик, пайвандлаш, компьютер технологиялари ва электротехника соҳасида мукаммал сабоқ олиш мумкин бўлади. Қиймати 6,4 миллион долларлик лойиҳа Жанубий Корея ва Ўзбекистон қурилиш ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилади.

Ўз мухбиримиз

НАВОИЙ

КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Зарафшон шаҳридаги "Тен-тен" масъулияти чекланган жамияти томонидан хўжалик совуни ва кир ювиш кукуни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик корхона ташкил этилди.

Корхона раҳбари Санжар Кароматовнинг таъкидлашича, маҳаллий мутахассислар яратган замонавий ускуналар иш унумдорлигини оширишда қўл келаётир. Изланишлар натижасида ишлаб чиқариш қуввати икки баробар ортиб, электр ва иссиқлик энергияси тежалишига эришилди.

Ҳозир бир ойда 60 тоннагача кир ювиш кукуни ва 30 минг дона совун ишлаб чиқарилаётган бўлса, келгусида технологик линиянинг қуввати янада оширилиши кўзда тутилган.

Хусан РАЗЗОҚОВ

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ҚАДРИ УЛУҒ, ҲИММАТИ БАЛАНД

Далаларнинг чиройи ўзгача. Кунлар илиб, борлиқ яшнаб кетиши билан бу далалар шунчалик чирой касб этмоқдаки, қараган сари қарагинг, уни шундай ясантирган сеҳрли қўл эгасини қайта-қайта шарафлагинг келади.

Ўй-хаёллар оғушида одимлар эканмиз, бирдан дала бошига "Нексия" русумли машина тўхтади-ю, ундан оддий кийинган аёл тушиб, шахдам қадамлар билан ёнимизга келиб ҳол сўрашди. Юз-кўзларида мамнунлик акс этиб турган бу аёлга қараб кайфиятимиз кўтарилди. Ундаги шижоат, ғайрат, қувноқ кайфият шундоққина сезилиб турарди. У ўзини четлари уфққа туташиб кетган ушбу далаларнинг ҳақиқий эгаси, деб ҳисоблайди. Аслини олганда ҳам шундай.

— Биласизми? — дейди у завқланиб, — биз имкониятлар даврида яшаяпмиз. Шу заминда, қолаверса, айнан шу даврда яшаётганимдан бахтиёрман. Истиқлолдан олдин ким эдим, бугун ким бўлдим, деган саволни ўзимга қайта-қайта беришдан чарчамайман.

Фермер аёл билан суҳбатлашиб, буғдойзор томон юрдик. Бу ерда иш қизғин. Ишчилар буғдой майсаларини маҳаллий ўғит билан озиқлантириш мақсадида тиним билмай ишлаяпти. Сал нарироқда кимлардир ариқ бўйини текислаш билан банд.

(Давоми 3-саҳифада).

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: ИШ БЕРУВЧИ МИНБАРИ

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Суҳбат ҳамда интервьюлар у ёки бу соҳанинг очилмаган қирраларини кашф этишга кўмаклашади. Ўйлаймизки, «Иш берувчи минбари» рукни остида бериладиган мақолаларимиз ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотади. Ва биз биринчилардан бўлиб, «Максам-Чирчиқ» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ҳотам Сайдаҳмедов билан мулоқотда бўлишга жазм этдик.

— Ҳотам Анварович, Сиз раҳбарлик қилаётган корхонада касаба уюшма ташкилоти кўп йиллардан буён замон талаблари даражасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бунинг эътирофини юқори касаба уюшма органлари томонидан берилган кўплаб мукофот-у нишонлар ҳам тасдиқлаб турибди. Сизнингча, муваффақиятнинг сири нимада?

— Менимча, бу ерда ҳеч қандай сир йўқ. Жавоби оддий: бунинг замирида аҳил жамоанинг меҳнати, иш жараёнининг йиллар давомида сайқаллаштирилган тизим асосида ташкиллаштирилиши ётибди.

Корхонамиз мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Ишчи-хизматчиларимизнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ижтимоий шериклик асосида мустаҳкам ҳимояга олинган. Хусусан, жамоа шартномасида ходимлар даромадларини ошириш, уларга қўшимча меҳнат таътиллари бериш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат муҳофазаси, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, саломатликларини мустаҳкамлаш ва бошқа кўп масалалар ечимини топган.

Муҳими, ишга ташаббускорлик билан ёндашиш эришилаётган ютуқларнинг пойдевори бўлаётир.

(Давоми 3-саҳифада).

МУСОҲАБА

НОМЛАР ҚОИДАГА МОС, МИЛЛАТГА ХОС БЎЛСИН!

Филология фанлари доктори, ЎзМУ профессори Зулхумор ХОЛМОНОВА билан суҳбат

— Тил миллий мансубликни англатувчи муҳим белгилардан. Суҳбатимизни, аввало, она тилимизга қаратилаётган эътибор хусусида бошласак...

— Она тилимиз асрлар бўйи сайқал топди, ривожланди, миллий тил, кейинчалик, давлат тили даражасига кўтарилди. Ўзбек тили ривожида буюк алломаларимизнинг муносиб ҳиссаси бор.

"Давлат тили ҳақида"ги Қонун тилимиз мавқеини юксалтириш томон қўйилган дастлабки қадам ҳисобланади. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши миллатимиз ҳаётидаги буюк воқеа бўлди. Тилга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат тили сифатида амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 4-моддасида ҳуқуқий жиҳатдан расман асослаб берилди. Тилимизнинг қонуний жиҳатдан ҳимояланиши миллий тил тараққиётининг муҳим омилларини белгилади.

— Бугунги кунда айрим ижтимоий жабҳаларда ўзбек адабий тили меъёри бузилиши, имловий хатолар, услубий нуқсонлар кузатилмоқда. Айниқса, номлар, ташқи ёзувлар ва реклама матнларида камчиликлар тез-тез кўзга ташланаётир...

— Адабий тил меъёрларига амал қилмаслик, "Давлат тили ҳақида"ги Қонун бандларининг кенг миқёсда амалиётга татбиқ этилмаётгани кишини мулоҳазага чорлайди. Ҳар қандай воқелик ўзига хос номни талаб этади, ҳар қандай маҳсулот реклама орқали тарғиб қилинади.

(Давоми 4-саҳифада).

2015-yil 4-aprel, shanba, № 43 (3548), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — касаба уюшмалари асоси

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

"SANZAR-LADA" масъулияти чекланган жамияти Жиззах воҳасида аҳолига сервис хизмати кўрсатиш ва автомобил савдосида ўзига хос тажриба тўплаган. Жамоада меҳнат муҳофазаси доимий диққат-эътиборда. 2011 йил меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини ташкил этишдаги фаоллигимиз учун республика кўрик-танловида фахрли ўринни эгаллаб, диплом ҳамда пул мукофотини қўлга киритган эдик.

МИЖОЗЛАР МАМНУН

Ходимларимизга хавфсиз ва зарур меҳнат шароити яратиш, меҳнат муҳофазасига оид қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоат назорати самараси ўлароқ, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш, касб касаллиги каби ҳолатларнинг олди олиниб, муҳими, уларнинг келиб чиқиш омиллари бартараф этилаяпти.

Маълумки, мулкчилик шакли, хўжалик фаолияти соҳаси, идоравий дахлдорлигидан қатъи назар, ёлланма меҳнат қўлланиладиган ҳар бир корхонада "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 23-бандига асосан меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боришни таъминлаш мақсадида меҳнат муҳофазаси бўйича вакил сайланади.

Шунга кўра, корхона маъмурияти ва касаба уюшма ташкилотининг умумий йиғилишида кўп йиллик иш тажрибам инобатга олиниб, менга юксак ишонч билдирилди.

Корхонамизда меҳнат қилаётган йигирма бир нафар ходимнинг меҳнат шароити ва муҳофазасини яхшилаш юзасидан таклифларимиз маъмурият томонидан вақтида бажариб борилмоқда. Масалан, иш ўринлари шаҳодатланди, меҳнат муҳофазаси хонаси ташкил этилиб, зарур кўргазмали қуроллар, адабиётлар билан бойитилди. Цехларга замонавий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. Ходимлар махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари, сутқатиқ маҳсулотлари билан таъминланган. Шунингдек, душ, кийиниш хоналар мунтазам ишлаб турибди.

Мижозлар ҳам унутилгани йўқ, албатта. 672 квадрат метрли асосий цех капитал таъмирланди. Энди мижоз бир пиёла чой ёки қаҳва устида усталар меҳнатини кузатиш имконига эга. Айтиш жоизки, бизда хизмат кўрсатиш сертификатланган ва Давлат стандартларига тўла жавоб беради. Кўплаб қўлигул усталаримиз хизматидан мижозлар мамнун.

Маъмурият ва бошланғич касаба уюшма ташкилотининг яқин ҳамкорлиги иш сифатини оширишга, пировардида, мижозлар ортишига хизмат қилаётир.

Камол АЗИМОВ,
"SANZAR-LADA" масъулияти чекланган жамияти меҳнат муҳофазаси бўйича вакили

УзА суратлари

КЎМАК

Маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси ижросига бағишланган конференцияда сўз олган ишчи А.Баротов шундай деди: "Корхонада беш йилдан буён меҳнат қиламан. Иш бошлаган дастлабки йилиёқ ўғил уйлантиришимга тўғри келди. Истиҳола билан касабақўм эшиги остонасига қадам қўйдим, уларга маслаҳат солдим. Тўйимда қўмита аъзолари бош-қош бўлишди. Оиламиз аъзоларининг боши осмонга етди".

ТАШАББУС ҚАНОТИ

Шундай илиқ ва самимий дил сўзлари кишини руҳлантиради, албатта.

Ўтган йил корхонамизда ун, омухта ем, буғдой кепаги, макарон, нон маҳсулоти, уруғлик ишлаб чиқаришда белгиланган кўрсаткичлар анча ошириб бажарилди. Ёрдамчи хўжалигимизга 18 бош қорамол сотиб олинди, 13 гектар майдонга 3990 туп мевали кўчат экиб, боғ барпо этдик. Корхонага қарашли биолабораториянинг фермер хўжаликларига биомаҳсулот етказиб бериши ҳисобига фойда миқдори ҳам ортди.

Янги иш ўринлари яратишда касаначиликка алоҳида эътибор берилиб, сартарошлик, тикувчилик, дурадгорлик каби соҳалар бўйича 39 киши ишли бўлди. Касаначилар корхона ҳисобидан 4,6 млн. сўмлик ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Хомашё материаллари сарфини камайтириш, энергияни тежаш, харажатларни қисқартириш эса 305 млн. сўм иқтисод қилинишига имкон берди.

Ходимларнинг олий ўқув юртларида шартнома асосида таҳсил олаётган фарзандларига 7,2 млн. сўмлик контракт пули ўтказилди. Корхонада меҳнат қилаётган эллик икки нафар аёлнинг меҳнат шароитини яхшилаш доимо эътиборимизда. Ҳомиладор ёки боласи икки ёшга тўлмаган аёллар жамоа шартномасида белгиланган имтиёзлардан тўла фойдаланаётир.

"Маънавият хонаси" зарур адабиётлар, плакат, стенд ва техник воситалар билан таъминланган. Кутубхонамиз китоб фонди корхона ҳисобидан янги асарлар билан бойитиб борилади. Ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун етарли шароит яратилди. Спорт зали, спорт майдони ҳамиша гавжум, шахмат-шашка тўгараги мунтазам ишлаб турибди. Бултур туман мусобақаларида футбол бўйича биринчи, волейбол бўйича учинчи ўринни қўлга киритдик.

Бошланғич касаба уюшма қўмитаси корхонанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури бажарилишига яқиндан кўмаклашаётир, ходимлар ташаббуси ва таклифлари қўллаб-қувватланмоқда. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириб боришга катта аҳамият қаратилган.

Олимжон ИСАЕВ,
"Дўстлик дон" ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАРДА

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари органларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисидаги Низом" ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Устави талабларига қатъий амал қилинган ҳолда ўтмоқда.

МАСЪУЛЛИК ҲИССИ

Аввало, вилоят тармоқ тизимида Раислар кенгаши, шаҳар ва туман кенгашлари мажлислари ўтказилиб, ҳар бир ташкилотда ўтадиган ҳисобот-сайловлар жадвали тасдиқланди. Шунингдек, меҳнат жамоасининг умумий йиғилишини ўтказиш, унда жамоа шартномасининг 2014 йил якуни муҳокамаси ва навбатдаги йиллар учун жамоанинг локал ҳужжатини қабул қилиш белгилаб олинди.

Ҳисобот-сайловларда юртимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси, кучли ижтимоий сиёсат, касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумотлар берилаётгани йиғилганларда катта таассурот қолдирмоқда.

Йиғилишлар, айниқса, молия, божхона, статистика, фавқулодда вазиятлар бошқармалари, Жиззах авиация билим юрти, «Ватанпарвар» МК, «Жиззах» санаторийсида намунали тарзда ўтганлигини таъкидлаш жоиз.

Касаба уюшмалари тизимига ёш, ғайратли, соҳани чуқур биладиган ходимларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, "Жиззах" санаторийси, адлия бошқармаси, вилоят ИИБ табобатхонаси бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ана шундай ғайратли ёшларга ишонч билдирилди.

Алишер КАРИМОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

"Жиззах фахрийлар санаторийси" бошланғич касаба уюшма ташкилоти ўтган йил "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрли ўринга сазовор бўлган эди.

Меҳнат шароити яратиб бериш, самарали даволашни амалга ошириш борасида белгиланган жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши доимий назоратда. Дам олиш, овқатланиш, кийим-бош алмаштириш сингари хоналарни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилгани бугун ўз натижасини бераётир. Саккизта янги иш ўрни яратилди. Эҳтиёжманд, кўп болали ходимларга моддий ёрдам берилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хонаси алоҳида ташкил этилиб, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланди. Ходимнинг иш стажидан қатъи назар йилига бир марта меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитилиши йўлга қўйилган.

Касб байрами ва бошқа шодиёналарда ходимларни рағбатлантириш маъмурият диққат марказида. Томорқамиздан ўтган йил 25 тонна турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиб, ходимларга тарқатилди.

Жамоа шартномасида белгиланган шартлар асосида юқори ва паст кучланишли асбоб-ускуналар билан муолажа ўтказувчи ходимлар, ошхона ва лаборатория ходимлари ишлайдиган хоналарда иш жойлари меҳнат шароити бўйича шаҳодатланди, электр сим қобиқлари қаршилиги лаборатория синовидан ўтказилиб, хулоса олинди.

Ҳар йил куз-қиш мавсумида даволаш, дам олувчилар хоналарининг бир меъёрда иситилишига эътибор қаратилади. Табиий газ ва кўмирда ишлайдиган иккита "Модул" русумли қозонхона талаб даражасида.

Кексаларни эъзозлаш йилида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келувчи нуронийларни даволаш ва кўнгилдагидек дам олишини таъминлаш жамоамиз олдидаги муҳим вазифадир.

Икром ЖАББОРОВ,
Санаторий касаба уюшма қўмитаси раиси

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ АМАЛДА

Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар изчиллиги аҳоли ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксалиб боришини таъминламоқда. Буни ҳар жабҳада кузатиш мумкин.

Жамоа шартномаси орқали ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси кучайтирилиб, қонунчиликда кўзда тутилган имтиёз ва кафолатлардан ташқари моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари амалга оширилаётгани касаба уюшмалари нуфузига ижобий таъсир кўрсатаётир.

КАМАРБАСТА

Таъкидлаш жоизки, бугунга келиб институтимиз жамоа шартномаси аввалгиларидан тубдан фарқ қила бошлади. Унга кексалар, ёшлар ва аёллар учун имтиёзлар кўзда тутилган алоҳида бўлимлар, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига амал қилинишини таъминлашга қаратилган бандлар киритилди. Мазкур ҳужжат ижроси касаба уюшма қўмитаси томонидан ҳар ойда мониторинг қилиб борилмоқда.

Жамоа шартномаси асосида ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш ва уларга зарур меҳнат шароити яратиш юзасидан 2013-2014 йиллар мобайнида икки миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Институтимизда замонавий жиҳозлар ўрнатилган аудиториялар, ходимлар меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган ускуналар, спорт майдончалари, сунъий қопламали майдон, машғулотдан сўнг ювинишга мўлжалланган душхоналар ишлаб турибди. Талабалар ётоқхонасини тўлиқ реконструкция қилиш билан бирга, 700 ўринли янги ўқув лаборатория хонаси қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Кўчқор ТАКАБОЕВ,
Институт касаба уюшма қўмитаси раиси

ХОДИМЛАР ГИМНАСТИКАСИ

...Эрта тонг. Одатдагидек, бугун ҳам болалар шифокорлари кўча кийимини спорт кийимига алмаштириб, спорт инструктори ҳамроҳлигида эрталабки гимнастика машғулотларини бошлаб юбордилар.

ТУМАН БОЙЛИККА ЭЪТИБОР

Машғулотлардан сўнг ходимлар ювиниб-тараниб, иш вақти бошлангач, хоналарига йўл олишди. Шундай чигилёзди машқларидан сўнг ҳар бир ходим кун давомида ўзини қушдай енгил сезиб, иш унумдорлиги самарали бўлиши аниқ. Жиззах вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида ходимлар ишни шундай бошлашади.

Жамоамизда оммавий спортга йил сайин эътибор кучаймоқда. 2012 йил мослаштирилган спорт зали тўла таъмирланиб, ишга туширилди. Спорт инструктори тайинланди. Ҳар кун эрталаб ходимлар иш вақти бошлангунга қадар мутахассис кўмагида гимнастика машғулотларини бажаришади. Бу эса тиббиёт ходимлари ўртасида ўтказилаётган спорт мусобақаларида ҳам ўз самарасини бераётир. Шаҳар, вилоят босқичларида жамоамиз хотин-қизларининг кетма-кет қўли баланд келаётгани бежиз эмас. Саломатлик йўлидаги ушбу хайрли тадбирга ҳатто кичкинтой беморларимизнинг ота-оналари ва бошқа яқинлари ҳам қўшилаётгани қувонарли.

— Ходимларнинг соғлом турмуш тарзи асосида фаолият олиб бориши, камҳаракатлик туфайли юзага келувчи турли касалликлардан ўзини сақлашга ҳаракат қилаётгани эътиборлидир, — дейди вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази раҳбари Холида Алимова, — Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ходимлар гимнастикасини ташкил этиш бўйича тавсияси жуда асқотаётир.

Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, ходимлар гимнастикаси орқали мутахассисларимиз ишида самарадорлик ортмоқда. Асосийси, ўз саломатлиги йўлида қайғураётган ходимларнинг оилавий шифохоналарга мурожаат этиши кескин камайди.

Мунаввар НАМАТОВ,
вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази касаба уюшма қўмитаси раиси

Саҳифани "Ishonch" мухбири Абдуманнап АЗИМОВ тайёрлади

2015-yil 4-aprel, shanba, № 43 (3548), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Кейинги вақтда касаба уюшмалари тизимида туб ислоҳотлар кетмоқда. Хусусан, бошланғич ташкилотларнинг молиявий аҳволини яхшилашга жиддий эътибор қаратиляпти. Иш берувчи сифатида, айтингчи, бу ишлаб чиқариш самарадорлигига қай даражада таъсир кўрсатаётир?

— Наврўз байрами муносабати билан «Буғ таъминоти» цехида айёмга бағишланган адабий-маърифий тадбир ташкиллаштирилди. Унга шу цехда аввал ишлаб кетган, ҳозирда нафақа гаштини сураётган бир қатор фахрийлар ҳам таклиф этилди. Улар кейинги йилларда амалга оширилган ишлар, янги ўрнатилган замонавий дастгоҳлар билан танишишди, касб-ҳунар коллежларини битириб, бу ерда меҳнат қилаётган ёш мутахассислар билан суҳбатлашишди. Мустақиллик берган бу ўзгаришлар уларда олам-олам таассуротлар уйғотди.

Дарҳақиқат, бутун юртимизда бўлгани каби корхонамиз фаолиятида ҳам ижобий маънодаги чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй бермоқда. Корхона томонидан тўлиқ таъмирдан чиқарилган «Маънавият ва маърифат», «Овқатланиш» хоналари барчага манзур бўлди. Ходимларимиз, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларимиз саломатлигини тиклаши учун имтиёзли йўлланмалар олиб берилиши, моддий ёрдамларга ажратилаётган маблағлар миқдорининг ошиб бораётгани, юртимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар, театр ва музейларда, санъат саройларида маданий ҳордиқ чиқариш кўламлари тобора кенгайиб бораётгани бунинг ёрқин мисолидир.



«Кимёгар» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида реконструкция ишларини олиб боришда ҳам таъсисчилардан бири сифатида касаба уюшма қўмитаси ўз улушини қўшиб келмоқда.

— Меҳнат муҳофазаси, меҳнаткашларнинг иш ва яшаш шароитларини яхшилаш, ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ўзининг бирламчи вазифаси деб билган касаба уюшма ташкилоти ушбу юмушларни ижтимоий шериклик асосидагина амалга ошира олади. Ташкилот фаолиятини бундан ҳам яхшилаш учун кўпроқ нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

— Авваламбор, меҳнаткашларимизга нафи тегадиган хайрли ишларни ҳар куни қилиш лозим. Жамоа шартномасида, айниқса, меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилганлиги боис корхонада ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ҳолатлари ва касб касалликларининг олдини олиш масаласи энг устувор вазифалардан бирига айланган. Бу соҳада қонунчиликка, қоида ва йўриқномаларга риоя этилиши устидан мутахассислар ва жамоатчилик назорати мунтазам равишда олиб борилаётир. Техника хавфсизлигини таъминлаш ва меҳнат муҳофазаси борасида фаоллик кўрсатаётган ходимларни корхона ва касаба уюшма қўмитаси томонидан рағбатлантириб бориш йўлга қўйилган.

Кейинги 5 йил давомида 1286 нафар ходим корхона Фахрий ёрлиқлари билан ҳамда 1898 нафар ходим моддий рағбатлантириш орқали тақдирланди. 6375 нафар ходим корхона «Тиббий реабилитация марказида», 8027 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари «Оқтош кимёгарлар оромгоҳи»да, ходимларнинг 3958 нафар фарзандлари болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида имтиёзли равишда дам олдирилди.

Доимо изланишда бўлган ва режалаштирилган масалаларни ҳал қилишда талабчанликни ошириб боришни фаолиятининг асосий мезони деб билган ташкилотнинг келажаги порлоқдир.

— Жамоа шартномаси маъмурият ҳамда касаба уюшма ташкилоти учун ўзига хос ҳаракат дастури ҳисобланади. У иш берувчи имкониятидан келиб чиққан ҳолда тузилсагина натижа беради. Шундай эмасми?

— Бу ҳолат албатта ҳисобга олиниши керак. Корхонанинг ижобий молиявий аҳволи жамоа шартномасига меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган қўшимча банд ва иловаларни киритиш имкониятини беради. Оддий қилиб айтганда, корхона иқтисодий жиҳатдан қанчалик бақувват бўлса, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам шунга муносиб равишда кучайиб бораверади.

— Бизга касабақўм етакчиси тишли-тирноқли бўлиши керак, деб уқтиришади. Айтинг-чи, иш берувчи ҳамда касаба уюшма ташкилотининг гапи бир ердан чиқмай қолган вақтлар ҳам бўлганми?

— Агар уларнинг гапи бир ердан чиқмаса, бу меҳнаткашлар зарарига ишлайди. Шунинг учун мен доимо касаба уюшма қўмитаси раҳбари ва фаоллари билан бамаслаҳат фаолият юритиш тарафдориман, меҳнаткашларимиз ҳам ўз навбатида «Корхона менга нима берди?» деб ўйлашлари баробарида «Мен корхона ривожи учун нима қилдим?» деган саволни ҳам ҳеч қачон эсдан чиқармасликлари лозим.

— Касаба уюшма ташкилотининг фаолият кўлами кенг: турли-туман тадбирлар, спартакиадалар, кўрик-танловлар, учрашувлар... Мана шундай йиғинларда ўзингиз ҳам қатнашиб турасизми?

— Касаба уюшма ташкилоти томонидан ва ҳамкорликда ташкиллаштириладиган тадбирларда имкон қадар қатнашаман, чунки бу тадбирларда ишчиларимиз билан бевосита мулоқот бўлади, уларнинг таклиф-мулоҳазаларини тинглайман, янгича қарашларни кашф этаман.

Раҳбар ҳеч қачон қўли остидаги ходимлар билан жонли мулоқотдан чўчимаслиги керак. Бундай учрашувлар раҳбар учун ҳар тарафлама фойдалидир.

Суҳбатдош:
Неъмат РАФИҚОВ,
“Ishonch”мухбири

СИЗНИНГ АДВОКАТИНГИЗ

“Хатирчи пахта тозалаш” АЖ соғломлаштириш пункти ҳамшираси Гуллола Абдураимова Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига ариза билан мурожаат қилиб, ҳеч бир сабабсиз жамиятнинг 2013 йил 22 майдаги буйруғига кўра унинг иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини билдирди. Касаба уюшма ҳуқуқшунослари ушбу мурожаат юзасидан зудлик билан текширув ишларини бошлаб, меҳнат шартномасини бекор қилишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлигини аниқлади.

ДАЪВО ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Маълум бўлишича, Г.Абдураимова тиббиёт соҳасида 23 йилдан буён фаолият юритиб келган. Иш берувчи у билан тузилган меҳнат шартномасини ходимни огоҳлантирмасдан, Меҳнат кодексининг 106-моддаси 4-бандига кўра бекор қилган. Шартномани бекор қилишда юқоридаги модда ноўрин қўлланган.

Яъни, МКнинг 106-моддаси Меҳнат шартномасининг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши тўғрисида бўлиб, унинг 4-бандида ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан (агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этишнинг имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса) меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкинлиги қайд этилган.

Бироқ ўрганиш жараёнида 106- модданинг 4-бандини қўллашга асос бўлувчи ҳолатлар аниқланмади. МКнинг 80-моддасида ишга қабул қилиш вақтида фуқародан талаб қилиниши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати келтирилади. Унга кўра фуқаро ишга кираётганда паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотнома, меҳнат дафтарчаси (биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотнома), ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома, қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги диплом ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади. Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади. Мавжуд маълумотлар Г.Абдураимова ишга кираётган вақтда юқорида қайд этилган ҳужжатларни иш берувчига тақдим этганини кўрсатади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги Қарорининг 43-бандида меҳнат шартномасининг МК 106-моддаси 4-бандига асосан бекор қилинишига ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги ҳолларида йўл қўйилиши мумкинлиги белгиланган.

Қарорга кўра қуйидагилар шундай ноқонуний ҳаракатлар ҳисобланади: Суд ҳукмига кўра маълум мансабни эгаллаш ёки маълум фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинганларни суд томонидан тайинланган вақт давомида ишга қабул қилиш; бир давлат корхонасида ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларни, башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бундай хизматчиларни ишга қабул қилиш; вояга етмаганлар ва аёлларни жалб қилиш тақиқланган ишларга қабул қилиш. Меҳнат муносабатларининг қайд этилган асосларга кўра бекор қилиниши билан боғлиқ низоларни кўраётиб судлар ишга қабул қилишда қандай аниқ бузилишга йўл қўйилганини ва бу меҳнат шартномасини бекор этишга асос бўла олиши мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқламоғи зарур. Шунингдек, қарорда меҳнат шартномасининг МК 106-моддасининг 4-банди бўйича бекор этилишига, агар ишга қабул қилинишдаги бузилишни тузатиш мумкин бўлмаса ва бу ишни давом эттиришга тўсқинлик қилган ҳолдагина йўл қўйилиши мумкинлиги алоҳида қайд этилган. Г.Абдураимованинг меҳнат фаолиятида ушбу важларнинг бирортаси ҳам кузатилмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши “Хатирчи пахта тозалаш заводи” АЖ маъмуриятига Г.Абдураимовани ўз ишига тиклаш, мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақини тўлаб беришни талаб қилиб тақдимнома юборди. Тақдимнома маъмурият томонидан қаноатлантирилмагач, бирлашма Фуқаролик ишлари бўйича Хатирчи туман судига даъво аризаси киритди. Суд ишни кўриб чиқиб, маъмурият томонидан ҳеч қандай ноқонуний хатти-ҳаракатга йўл қўйилмаган деб топди. Касаба уюшма даъвосини қаноатлантирмади. Натижада, бирлашма ҳуқуқшунослари аппеляция инстанциясига ФИБ туман судининг ҳал қилув қарори устидан шикоят беришга мажбур бўлди. Бироқ бу гал ҳам адолат қарор топмади.

Шундан сўнг касаба уюшма ҳуқуқшунослари фуқаро манфаатларини кўзлаб, бошқа ҳуқуқий йўлларни қидиришига тўғри келди. 2013 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси номига бирлашма томонидан назорат тартибида шикоят киритилди.

Ниҳоят, орадан бир ярим йилдан ошиқ вақт ўтиб, Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди томонидан бирлашманинг Г.Абдураимова манфаатларини кўзлаб, жавобгар “Хатирчи пахта тозалаш” АЖга нисбатан “ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақида”ги даъво аризаси қаноатлантирилди.

Алишер РАҲМАТОВ,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлим мудири

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Қўшкўпир тумани Хонобод қишлоғи ҳудудида деҳқончилик қилаётган Муборак Абдураҳимова далаларни иккинчи уйи, деб билади. Бу ердаги ҳар бир гиёҳ, майса, дов-дарахтларда аёл меҳрининг тафти бор. Туман аҳли яхши билади, Муборак иш бошлаганида бу жойлар бамисоли саҳродек кўрксиз эди. Теварак-атрофда дов-дарахтдан нишона йўқ, гўёки унутилган, ташландиқ жойга ўхшарди.

— Болам, — деганди ўшанда раҳматли онаси, — ўзинг шаҳарчада, туман марказида улғайган бўлсанг, касбинг, яъни, тарбиячиликда ишлаб, тинчгина юрсанг бўлмайдими, ерни эплаш осонми?

Муборак индамади. Аслини олганда, онаси ҳақ. Бироқ унинг қалбида уйғонган истак сира тинчлик бермади.

У шаҳарчадан қишлоққа келин бўлиб тушгач, қайнона-қайнотаси ёнида юриб, томорқада ишлашни ўрганди.

Қишлоқда фермерлик ҳаракати авж олган, ерлар ҳақиқий эгасини топаётган 2005 йилда у фермер, мулкдор бўламан, деб астойдил аҳд қилди. Ўшанда тумандаги илғор фермерлар Бектурди Ортиқов, Дармат бўларди. Айтилган пайтда механизаторлар етиб келишмасди. Мана, шунча трактор далада ишлаяпти, — деди опаси. — Тракторчиларга раҳмат, масъулиятли экан.

— Вой опажон-ей, — деди Муборак кулиб. — Ахир барчаси ўзимнинг тракторларим-да.

Экиш, суриш тракторлари, комбайн, тиркамалар, култивация дейсизми, ҳаммасидан бор. Опанинг шунчалик уддабурон, кўпчиликка бош бўлиб юрган синглисига ҳаваси келди. Ҳеч эсидан чиқмайди. Шу синглисининг тўйи арафасида қариндошлари келин тушадиган хонадоннинг томорқаси катта, моллари, соғин сигирлари кўплигини айтиб, онанинг кўнглига ғулғула солишганди. Нозик-ниҳол, эрка қизим буларни қандай эпларкин, дея онаси роса хавотирланган эди. Муборак эпладигина эмас, балки қишлоқда катта ишларга қўл уриб ўтирибди. Агар онаси ҳаёт бўлганида роса қувонган, қизи билан фахрланган бўларди.

— Кўпчилик мендан қишлоққа келин бўлиб тушганингдан нолимайсанми, деб сўрашади, — дейди Муборак. — Йўқ, аксинча, хурсандман, қишлоқ мени тарбиялади, ҳаётда ўз ўрнимни топишимга кўмаклашди, дейман.

ҚАДРИ УЛУҒ, ҲИММАТИ БАЛАНД

монжон Каримова тажрибасини ўрганди.

Тиниб-тинчимас аёл қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича туман, вилоятда уюштириладиган ўқув-семинарларда қатнашиб, сабоқ олди. Пахтачилик, ғаллачиликка оид китобларни ўқиб-ўрганди. Бўш вақтида далаларга чиқиб, фермерларга ёрдамлашди.

— Ҳукуматимиз фермер, тадбиркорларга яратиб бераётган имконият ва имтиёзлар менга қанот бўлди, — дейди Муборак. — Айниқса, аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар қаддимизни тик тутиб, қадримизни билиб яшашга ўргатди.

У 2005 йилда туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилиб, фермер хўжалиги ташкил этиш ниятида эканини билдирди ва бунинг учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этди. Муборакнинг ишбилармонлиги, туманда кўпгина тадбирларда фаол иштирок этиб юрганини билган раҳбарлар уни қўллаб-қувватлашди. Туман ҳокимининг қарорига асосан 40 гектар ер майдони ажратиб берилди. Шу тариқа Хонободнинг энг чекка ҳудудида, ташландиқ жойларда “Шаҳзод-Хурсанд” фермер хўжалиги ташкил топди. Даставвал, оила аъзолари, қўшнилари билан иш бошлаган Муборак ишчилар сафини кенгайтира борди. Шу йил 20 кишини ишли қилди ва йиғимтерим, экиш мавсумида 100 га яқин ёлланма ишчи мададига таянди.

Ҳар йил пахта ва ғалладан мўл ҳосил олган Муборак Абдураҳимованинг туманда донғи таралди. Кейинги йилларда у хўжаликни янада кенгайтириб, 80 гектардан зиёд ер соҳибасига айланди. Иш бошлаганида бир дона трактори бўлган хўжаликда бугун деярли барча зарур техникалар мавжуд. Аёл кундан-кунга яшнаб бораётган ери-ю техникаларга қараб, ғурурланади.

Ўтган йил йиғим-терим мавсумида Муборакнинг Урганч шаҳрида яшаётган опаси Тўхтажон далага келди. У опасини даставвал дала шийпонига бошлаб борди.

— Бу олхўрини 2006 йилда ўтқазган эдик. Роса серҳосил экан. Ўрик-олмаларимиз ҳам кўп. Ерни сийлаганимиз учун ер ҳам роса сийлаяпти, опажон. Бу ерлар дам олиб, роҳат қиладиган жойларга айланди. Режаларимиз кўп. Худо хоҳласа, ҳаммасига эришамиз, сиз дуо қилсангиз бас.

Опа жуда севинди. Барча иш билан банд, пахта терими авжида.

— Авваллари пахтани тайёрлов идорасига олиб бориш анча қийинчилик туғдирар, харажати ҳам қимматга тушарди. Ҳозирги кунда ишлаётган механизаторлар ва ишчилар ҳаммаси ўз ишини яхши биларкан, ҳеч муаммо йўқ. Ҳаммаси ишлаяпти, — деди Муборак.

Аслида, Муборак Абдураҳимова ва унга ўхшаган аёлларга истиқлол саодат берди, куч-қувват, қанот бағишлади. Фермерлар учун яратилган имконият, имтиёзлар уни ер олиб ишлашга ундаган бўлса, ҳукуматимизнинг аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилаётган қарорлари, аёлларга бўлган эътибори кўнглини тўлдириб, ғайратини оширди. Мана, ёши элликдан ошган бўлса-да, унда ёшларнинг ғайрати, шижоати бор. “Шаҳзод-Хурсанд” фермер хўжалиги ташкил топган вақтдан бошлаб, шартномавий режаларни ошиғи билан уддалаб келаяпти.

— 2014 йил ҳам биз учун баракали келди, — дейди фермер. — Пилла, ғалла, пахта етиштириш бўйича режаларимизни ошиғи билан уддаладик. Даромадимиз ҳисобидан техника сонини яна биттага кўпайтирдик. Ишчиларимиз ҳам меҳнатига яраша даромад олди.

Турмуш ўртоғи Султонбой Мадаминов унга ҳамиша кўмакдош. Хўжаликда иш юритувчи. Коллеж, академик лицейларда таҳсил олаётган 4 нафар фарзанди учун ҳам шу далалар иккинчи уй ҳисобланади. Онаси билан улар ҳақли равишда фахрланади. Яна бир тарафи, фермер аёл туман ва қишлоқдаги хайр-саховат ишларида кўпчиликка бош бўлиб юради. У билан хайрлашар эканмиз, яна бир хайрли ишига гувоҳ бўлдик. Машинада бироз юргач, бир уйнинг ёнида тўхтади. Уйдан чиққан ўсмирга каттакон сумка узатди. Ўсмир: “Раҳмат, бувим сизни дуо қилиб ўтирибди”, деди хурсанд бўлиб.

Шунда Муборак изоҳ берди:

— Аслида, мен бувисига раҳмат айтишим керак. Оғир кунларни бошидан кечирди. Фарзандидан айрилди. Ойда бир-икки марта бозор-ўчар қилиб бериш эса арзимаган иш.

Машина салонига қарасак, бундай сумкаларнинг сони кўплигига, яна кимларнидир хушнуд қилиш ҳаракатида эканига амин бўлдик.

— Муборак энг илғор фермерлардан саналади, — дейди Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Аминбой Отаев. — Унинг нафақат ишбилармонлиги, балки эзгу фазилатларга эга экани ҳам обрўсига обрў қўшади. У мустақиллик даврининг қаҳрамонларидан бири, десак муболаға бўлмайди.

Ҳа, биз ҳам унинг тимсолида давримизнинг қаҳрамонини, истиқлол туфайли бахтини, қадрини топган аёлни кўрдик.

Меҳрибон ТИЛЛАЕВА,
Қўшкўпир тумани

ҚИШЛОҚДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ МУАССАСАСИ

Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги «Қаҳрамон» қишлоқ врачлик пунктида барча замонавий шароитлар яратилган.

Тиббиёт муассасаси шифокор ва ҳамширалари қишлоқ аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Болалар ва туғиш ёшидаги аёлларни тиббий текширувдан ўтказиш ҳамда соғломлаштириш ишлари изчил олиб борилаётир. Кексаларнинг саломатлигидан доимий бохабар бўлиш, уларга ўз вақтида зарур тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам алоҳида эътиборда.

Суратда: *ҳамшира Нилуфар Ашуралиева.*

ЎзА фотомухбири
Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган сурат

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Қонун талабларини назар-писанд қилмайдиган, ўз манфаати йўлида қинғирликдан тоймайдиган кимсалар доимо панд ейди. Кейинги пушаймон ҳеч кимга наф келтирмаган. Айбларига яраша суд олдида жавоб беришига тўғри келган бухоролик Дилшод Жўраев, Карим Ҳамроев, Эргашбой Юлдошев, Рустам Яқубов, Жаббор Аминов, Аваз Камилов ҳам қилмишидан афсусланганда кеч бўлганди.

ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

Гап шундаки, улар ўзаро тил бириктириб, чет эллардан автотранспорт воситаларини расмийлаштирмасдан, тегишли божхона тўловларини тўламай мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш йўли билан фойда кўриб келган. Жумладан, жиноий гуруҳ 1997 йилда ишлаб чиқарилган “Тико” русумли автомашинани яширин равишда ҳудудимизга олиб кириб, давлат томонидан белгиланган 18 миллион сўмдан ошиқ, “DAEWOO-Эсперо” русумли автотранспортни олиб ўтиб, 41 миллион сўм божхона тўловларини тўламаган. Бундан ташқари, машинадан фойдаланиш учун қалбаки ишонч қоғози, транспорт воситасини қайд қилиш гувоҳномаси ва давлат рақамини ишлатиб келган.

Гуруҳнинг жиноий фаолияти Бухоро вилояти божхона бошқармаси ва Вобкент туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида фош этилди. Суд уларга нисбатан мамлакатимиз қонунларида назарда тутилган жазо белгилади.

Шунингдек, назорат давомида Ғиждувонлик Шароф Идрисов 2001 йилда ишлаб чиқарилган “ВАЗ-2106” русумли транспорт воситасидан унинг божхона расмийлаштирувидан ўтмаганлигини била туриб фойдаланаётгани, шу йўл билан қарийб 10 миллион сўмлик божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаб келаётгани аниқланди. Боз устига, қонунбузар рўйхатдан чиқарилган автотранспорт воситаси давлат рақамини “ВАЗ-2106” машинасига ноқонуний тақиб юрган. Ш.Идрисов қонун олдида тегишлича жавоб берди.

Маҳмуд АРИПОВ,
Жиноят ишлари бўйича Вобкент туман суди раиси

Тошкент шаҳар маданият муассасалари ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси жамоаси Ўзбекистон давлат драма театри касаба уюшма қўмитаси раиси Дилмурод Масаидовга отаси

Сайдулло МАСАИДОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

2015-yil 4-aprel, shanba, № 43 (3548), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

НОМЛАР ҚОИДАГА МОС, МИЛЛАТГА ХОС БЎЛСИН!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ушбу Қонуннинг 7-моддасида: "Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади", дейилган. Бугунги кунда ушбу модданинг жойлар, корхона, ташкилот номларида амал қилиш ҳолати талаб даражасида, деб бўлмайди.

Жой номларининг мақсадга мувофиқ кўринишлари, корхона, ташкилот номларининг турлари кўп. Булар маълумот бериш, тарғибот, ташвиқот билан бир қаторда ўзбек тилининг имкониятларини ёритишга, халқ дунёқараши, миллий қадриятлар ифодасига хизмат қилмоқда. Номларда ўзбек тили меъёрларига мос келмайдиган ўринлар ҳам кузатилмоқдаки, бу ҳолат қўлга киритилаётган ютуқларга соя солиб турибди.

"Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг 22-моддасида: "Республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалар ва географик объектларининг номлари давлат тилида акс эттирилади", деб қайд этилган. Жой номлари тарихий муҳит, халқ турмуш тарзи, маданиятини акс эттирувчи манба сифатида алоҳида қийматга эга. Тарихий номларда шу ҳудуд табиати, рельефи, аҳоли этник тоифаси, этнографияси, қарашлари акс этади. Шу боис жой номларининг тарихий шаклини сақлаб қолган маъқул. Шахс номларининг топоним сифатида қўлланиши маъқул эмас. Бу борада республикамизда қатор тадбирлар амалга оширилди, кўпгина ҳудудларнинг тарихий номлари қайта тикланди.

Жой номларини ёзишда нуқсонлар кўзга ташланади: *Кора-қамиш, Юнусобод* (хатолар кўпроқ шу турдаги жой номларида кузатилмоқда). Имло қоидаларида таъкидланганидек, иккинчи қисми турдош от ёки обод сўзи билан ясалган жой номлари қўшиб ёзилади: *Оқтепа, Учқўрғон* каби.

Ўзбек адабий тилидаги ёзма нутқ ифодасида, жой номларини расмийлаштиришда, сўз имлосида имло қоидаларига амал қилиш лозим. Кирилл ёзувидаги матнни ёзишда 1956 йил 4 апрелдаги имло қоидаларига, лотин ёзувидаги матнни шакллантиришда 1995 йил 24 августдаги имло қоидаларига амал қилиш талаб этилади. Аммо ҳозирда, айниқса, даврий нашрларда бу икки қоидани фарқламаслик ҳоллари кузатилади (Кирилл ёзуви асосидаги матнда юмшатиш ва айириш белгиларини ноўрин тушириб қолдириш ҳоллари кўп кузатилмоқда). Бу икки хил ёзувдаги қоида ўртасида жиддий фарқ йўқ. Аммо жузъий фарқларни билмаслик хатоларни юзага келтирмоқда. Бу камчиликлар жой номларида, корхона, ташкилот номларида ҳам кузатилмоқда.

— Қисқартма сўзларда нуқтанинг ноўрин ҳолда ишлатилиш ҳоллари учраб туради...

— Қисқартма сўзлар ҳар доим қўшиб ёзилади: *ЎзМУ, ТошДПУ, «Ўзолмосолтин»* («Ўзбекистон олтин қазиб олиш ва олмосга ишлов бериш корхоналари уюшмаси»). Турли ишлаб чиқариш маҳсулотларига, нашриётга атаб қўйилган атоқли ва турдош отлар бош ҳарф билан қўштирноқ ичига олиб ёзилади: *«Ўзбекистон» нашриёти, «Ҳуррият» газетаси, «Лола» атири.*

Китоб, газета, журнал, кинофильм, бинолар ҳамда ташкилотларга атаб қўйилган номлар қўштирноқ ичига олинади. Аммо муассасалар кишилар номига қўйилган бўлса, қўштирноқ ишлатилмайди. Уларда *номидаги* сўзи қўлланади: *Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети.* Шу ўринда, айтиш лозимки, *номидаги* сўзини *номли* тарзида ёзиш тўғри эмас. Мамлакат, ўлка номлари қўшма сўз шаклида бўлганида, таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан ёзилади: *Америка Қўшма Штатлари, Бирлашган Араб Амирлиги.*

Халқаро ташкилот, олий давлат ташкилотлари ва мансабларининг номлари таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан ёзилади: *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро Олимпия Қўмитаси.* Вазирлик, идора, ташкилот ва корхоналар номи таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилади: *Тошкент давлат техника университети (кўп ҳолларда Тошкент Давлат Техника университети тарзида нотўғри ёзиш ҳоллари кузатилади).*

Турли корхона, маҳсулот, иншоот, транспорт воситалари кабиларга берилган шартли номлар қўштирноқ ичида бош ҳарф билан (бирикмали ҳолатларда фақат биринчи сўз) ёзилади: *«Туркистон» (саройи), «Шарқ гуллари» (фирмаси).*

— Демак, кузатилган нуқсонларни гуруҳлаш ҳам мумкин...

— Номларда кузатиладиган хаторларни қуйидагича гуруҳласа бўлади:

1. Техник хатолар — пешлавҳалар, объект номларида учрайди: *Улгужи савдо* (р тушиб қолган), *"Гўзалик салони"* (битта л ёзилмаган), *"Заргарлик буюмлари ва устахонаси"* (ва ортиқча ёки ва боғловчисидан кейин муайян сўз тушиб қолган).

2. Имло (орфографик) хатолар — номларда кўп кузатилган нуқсонлардан бири. Орфографик хатоларнинг аксарияти *х* ва *ҳ* имлоси билан боғлиқ. Бундай хатолар ташкилот, фирма номларида ҳам бор: *"Хур омад", "Гавхар".*

Шунингдек, *ў, ғ* ҳарфларининг лотин ёзувидаги ифодасида тутуқ белгисини ноўрин қўллаш ҳоллари кўп учрайди. Бир қатор сўзларда тутуқ белгисини нотўғри қўллаш *(маъсул)* ёки қўлламаслик *(тамирлаш)* кузатилади. Жуфт сўзлар ёзилиши билан боғлиқ хатолар: *Озиқ Овқат, дуру гавҳар* (озиқ-овқат, дур-у гавҳар).

3. Услубий хатолар. Уларнинг аксарияти паронимларни қўллаш билан боғлиқ: *пойафзал* (пойабзал), *ҳуш* (хуш) келибсиз, йўл *ҳаққи* (ҳақи).

Бундай хатолар, биринчидан, миллий қадриятлар юзи ҳисобланмиш тил меъёрларини бузиш, "Давлат тили ҳақида"ги Қонун талабларига амал қилмаслик ҳисобланади. Иккинчидан, авлодлар саводхонлигини оширишга салбий таъсир кўрсатади. Ёшлар эшитганига эмас, кўпроқ кўрганига ишонади. Бу ҳолат турли сўзлар имлоси ҳақидаги нотўғри тасаввурларга олиб келади. Шуниси ҳам борки, жой номлари, корхона, ташкилот номларидаги хатолар мазмунан бой, имкониятлари кенг ўзбек тилини тўмтоқ, жўн шаклга солиб қўйишга олиб келади.

Шунинг учун миллатимизга мансуб ҳар бир шахс, аввало, мутахассис, зиёли, айниқса, қалам аҳли давлат тилига алоҳида эътибор билан ёндашиши зарур ва шарт. Тилимизнинг ҳозирги ҳолати, келгуси тақдири учун барчамиз масъулмиз.

Дарвоқе, айрим ҳолларда жой, корхона, ташкилот номлари хорижий тиллардаги сўзлардан қўйилаётгани ачинарли. Ахир маъноси кўпчиликка тушунарсиз бўлган хорижий тиллардаги номлардан кўра миллий қадриятлар, ўзликни сақлаб қолиш, жозибадор, пурмаъно, кенг бадиий имкониятларга эга бўлган тилимиз тароватини номлар орқали намойиш этсак, айни муддао бўларди.

"Ishonch" мухбири
Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ
суҳбатлашди



P.S: Тошкент шаҳар ҳокими "Тошкент шаҳри кўчалари, бино ва иншоотларидаги реклама, эълон ва турли ахборотларни тартибга келтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни имзолади. Қарор жорий йилнинг 1 апрелидан кучга кирди. Унда ёзилишича, шаҳар кўчалари, хиёбонлар, бино ва иншоотлар, ёритиш устунлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига жойлаштирилган айрим реклама, эълон ва турли ахборотларда орфографик хатолар бор, улардан иккиламчи ва маънавиятга зид маънолар келиб чиқмоқда.

Шунга кўра, туман ҳокимликлари қошида ишчи гуруҳлари тузилиб, туманлардаги бино ва иншоотлар, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш объектлари ташқи томони ва атрофига жойлаштирилган реклама, эълон ва ахборотлардаги матн, ташқи дизайни ва ҳажми ўрганиб чиқилади. Орфографик хатолар билан ёзилган, «Давлат тили тўғрисида»ги, «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунлар, архитектура талаблари ва "маънавиятимизга зид" реклама, эълон ва ахборотлар тартибга келтирилади.

Қайд этилишича, ташқи реклама, эълон ва ахборотларни маданий мерос объектлари, ташқи ёритиш устунлари, йўл белгилари, светофорлар, уларнинг тиргаклари ёки ҳаракатни тартибга солиб турувчи бошқа ҳар қандай қурилмаларда, шунингдек, дов-дарахтларни пайҳон қилиш ва туташ ҳудуддаги ободонлаштириш воситаларини бузиш йўли билан жойлаштириш тақиқланди.

"УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2015"

Мамлакатимизда мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари — 2015" спорт ўйинлари бошланишига ҳам оз фурсат қолмоқда. Айни дамда, Хоразм воҳасида уюштириладиган мазкур беллашувларга тайёргарлик жараёни қизғин давом этаётир.

МАҲОРАТ СИНОВИ

Ўз навбатида, хоразмлик ёш юнон-рум курашчилар мусобақада муносиб қатнашишни кўзлашган. Бунинг учун улар яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланишяпти. Жумладан, 1999-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Янгибозор тумани ҳокими соврини учун уюштирилган мусобақада иштирок этиб, маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказишди.

Ушбу мусобақада Урганч олимпия захиралари спорт коллежи тарбияланувчилари Сардор Рўзимов, Мустафо Тўрамуродов, урганчлик Қаҳрамон Ботиров, гурланлик Алибек Эримматов, янгибозорлик Оғабек Аматбоев, Орифжон Саъдуллаев, шовотлик Нодирбек Азимбоев, Абдулла Жуманиёзовлар юқори ўринларни эгаллаб, мухлису мутахассислар олқишига сазовор бўлди.

Юнусбек РЎЗМЕТОВ

ВОЛЕЙБОЛ БЕЛЛАШУВИ

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари олдидан Хоразм вилоят волейболчи ёшлари ўзаро беллашди. Беллашув Қўшкўпир туманидаги 1-ҳамда 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бўлиб ўтди. Голибликни Қўшкўпир тумани ўқувчи ёшлари қўлга киритди.

— Ўғил болалар мураббийи Валерий Зебровнинг изланиши, меҳнати қанчалик самара берган бўлса, қизлар мураббийи Баҳодир Отажоновнинг хизматлари ҳам шунча катта бўлди, — дейди 1-БЎСМ директори Исмоил Содиқов. — Барчамиз ёшларга "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг республика босқичида зафар ёр бўлишини тилаймиз.

Анварбек ЖУМАНИЁЗОВ,
Қўшкўпир туман
2-БЎСМ раҳбари

Реклама ўрнида

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, банклар томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган сармоялар ўз самарасини беряпти. Асосийси, тижорат банклари мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи кучи, аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим бўғини бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш борасида ибратли ишларни амалга ошираётир.

Мамлакатимиз молия бозорида ўз ўрнига эга бўлган "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат банки жамоаси ҳам ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун янада қулай шароит яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини яхши билишади. Буни уларнинг ўтган йилда амалга оширган ишларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Банк томонидан ўтган йили тадбиркорлик субъектларига қарийб 662,3 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бунинг самараси ўлароқ, кўплаб истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилди, 15 700 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди, кўплаб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди.

ЛОЙИҲАЛАР ИСТИҚБОЛИ УЧУН

Бошланғич сармоя тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. "Ипотека-банк" жамоаси шундан келиб чиқиб, истиқболли бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, ўтган йили шу мақсадда 161,5 миллиард сўмлик сармоялар йўналтирилди.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасини ҳар бир шаҳар ва қишлоқ мисолида кўриш мумкин. Янги технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш объектлари, замонавий инфратузилмага эга бўлган хизмат кўрсатиш тармоқлари кўпайиб бораётганлиги янада қувонарлидир. Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Қарор ижросини таъминлаш банк жамоаси диққат марказида турган асосий масалалардан биридир. Ўтган йили ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш учун 162 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган эди. Натижада, жойларда кўплаб кичик корхоналар ташкил этилди, мавжудлари тубдан модернизация қилинди, қўшимча иш ўринлари яратилди.

— Банк хизматларидан миннатдормиз, — дейди Фарғона вилоятидаги "Ёрмазор саноат сервис" хусусий корхонаси раҳбари Алишер Асқаров. — Билимли ва тажрибали мутахассислар томонидан кўрсатилаётган хизматлар оғирмизни енгил, мушкулимизни осон қилмоқда. Келгусида мазкур банк билан янада мустаҳкам ҳамкорлик ишларини амалга ошириш ниятидаман.

Алишер Асқаров раҳбарлик қилаётган корхонада сувли буёқлар ишлаб чиқарилади. Мана тўрт йилдирки, корхона маҳсулотлари ўзининг харидоргирлиги ва сифати билан қурилиш бозорида ажралиб турибди. Фаолиятини янада кенгайтиришни мақсад қилган тадбиркор ўтган йили 45 миллион сўм кредит олиб, унга замонавий технологиялар олиб келди. Хомашё базасини янада мустаҳкамлади.

Иш ҳажми ошди. Янги иш ўринлари яратилиб, уларга коллежни битирган ёшлар таклиф этилди. Ўтган даврда ишлаб чиқариш ҳажми 53 фоизга ўсди. Корхона айланма маблағлари эса 2,5 баробарга ошди. Шунингдек, яна бир қурилиш ашёси — шпаклёвка ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан руҳланган тадбиркор фаолиятини янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида изланмоқда. Бизнес режаси пухта бўлса, бас, банк мададидан кўнгли тўқ.

Банк томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги бизнес лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун қарийб 97 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу эса бозорларимиз мўл-кўллиги, дастурхонларимиз тўкинлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Ўз навбатида, тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, уларнинг даромадига даромад қўшилмоқда.

Банк томонидан йўналтирилаётган сармояларда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим ўрин тутаётир. Ўтган йилда шу мақсадда қарийб 75 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни мақсад қилган тадбиркорларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун эса 107 миллиард сўмдан ортиқ кредит сармоялари йўналтирилди. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 8,3 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди.

ЁШ ИШБИЛАРМОНЛАР

Ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш янгидан-янги имкониятларни юзага чиқармоқда. Шуниси қувонарлики, ёшларимизнинг аксарият қисми ўз келажагини кичик бизнесда кўрмоқда.

Ўтган йили ушбу мақсадга қаратилган 15,5 миллиард сўм миқдоридаги истиқболли лойиҳалар молиялаштирилди, ёш оилаларга ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун 10 миллиард сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилди. Кўплаб ёшлар муқим даромад манбаига эга бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит яратилди.

Банк томонидан ёшларни бизнесга жалб этиш, уларнинг тадбиркорлик қобилиятларини юзага чиқаришда иш берувчилар ва ўқувчиларни кенг жалб этган ҳолда, меҳнат ярмаркалари, бизнес ғоялар танловлари ўтказаётгани ҳамда уларнинг ғолибларига ўз хусусий ишини бошлаш имконини берадиган имтиёзли кредитлар ажратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сурхондарёлик тадбиркор Азиза Хўжамқулова ҳам банк мадади билан ишбилармонлик соҳасига кириб келган ёшлардан. У яқинда "Ипотека-банк" томонидан ўтказилган танловда "Энг яхши лойиҳани амалга оширган коллеж битирувчиси" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Азиза Хўжамқуловага банк томонидан имтиёзли шартларда лойиҳа кредит маблағларини молиялаштириш ҳуқуқини берувчи сертификат берилди.

Бугун унинг фаолият бошлаганига бир йил тўлди. Унга банк томонидан маиший хизмат, тикувчиликни ривожлантириш мақсадида хомашё, жиҳозлар ва тикув машиналари сотиб олиш учун 2 йил муддатга 69 миллион сўм кредит берилганди. Ёш тадбиркор сармояга 5 дона тикув машинаси сотиб олди, хомашё базасини яратди. Яна беш нафар тенгдоши ҳам ишли бўлди.

Айни пайтда унинг тадбиркорлик корхонасида турли либослар, кўрпа ва кўрпачалар тайёрланяпти.

— Ўзим тикувчилик сир-асроридан хабардор эдим, — дейди Азиза Хўжамқулова. — Шу сабабли тадбиркорлик йўналишини ҳам шу соҳада кўрдим. Банк мададидан хурсандман. Қолаверса, беш кишини иш билан таъминладим. Биз ёшларга қаратилаётган эътибордан мамнунмиз. Келгусида фаолиятимизни янада ривожлантириш ниятидамиз. Бунда ҳам тадбиркорликни бошлашда мададкор бўлган "Ипотека-банк"ка суянамиз.

ЭНГ ЯХШИ ҲАМКОР ВА ИШОНЧЛИ ТАЯНЧ

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган "BankExpo — 2015" миллий кўргазмасида иштирок этган тижорат банкларининг тақдирлаш маросимида "Ипотека-банк" — "Тадбиркорларнинг энг яхши ҳамкори ва ишончли таянчи" ҳамда "Энг яхши реклама кампанияси" номинацияларида ғолиб деб топилди. Шунингдек, банкнинг фаол мижозлари бир қатор номинациялар бўйича тақдирланди. Хусусан, банкнинг Чиноз филиали мижози "MGA STAR GOLD" МЧЖ "Хорижий кредит линиялари ҳисобидан тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилган энг яхши лойиҳа", Тошкент шаҳри Меҳнат филиали мижози "Ўғит савдо плюс" МЧЖ "Экспортни рағбатлантириш борасида ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича амалга оширилган энг яхши лойиҳа", Фарғона вилояти филиали мижози "Ёрмозор Саноат Сервис" хусусий корхонаси "Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни молиялаштириш бўйича амалга оширилган энг яхши лойиҳа", сурхондарёлик тадбиркор Азиза Хўжамқулова "Касб-ҳунар коллежи битирувчиси томонидан тадбиркорлик фаолияти борасида амалга оширилган энг яхши лойиҳа", Наманган вилояти филиали мижози "Умид ва ишонч — Л.Р" хусусий корхонаси "Аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти борасидаги энг яхши лойиҳа", Қашқадарё вилояти филиали мижози "Neftchi" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати "Энг намунали хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати", Хоразм вилояти филиали мижози "Ирригация темир-бетон қурилиш" МЧЖ "Банкнинг кредит маблағлари ҳисобига аҳолини, шу жумладан, ёш оилаларни турар жойлар билан таъминлашда фаол иштирок этаётган энг яхши қурувчи лойиҳа" ҳамда Бухоро вилояти филиали мижози "Salomatlik maskani" шифохонаси "Қариялар соғлиғини тиклаш борасида тиббий хизматлар кўрсатувчи энг яхши лойиҳа" номинацияларини қўлга киритди. Уларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Бу банкнинг бугунги фаолиятига берилган муносиб баҳо, ҳаққоний эътироф бўлди.

Умуман, "Ипотека-банк" аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш, мижозлар талабини қондириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Бу эса банкнинг молия бозоридаги ижтимоий мавқеини ошириш, унинг ислоҳотлар жараёнидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Ўз мухбиримиз

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev
Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev (mas'ul kotib v.b.)

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.
Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
Nashr ko'rsatkichi: 133
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva
Bosishga topshirish vaqti — 22:10
Topshirildi — 22:40
E-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 415 19386 nusxada bosildi 1 2 3 4 6